

6. Лозицкий В.Л. Дидактическая роль компонентов образовательного сегмента Республикаской информационно-образовательной среды // Современные научно-исследовательские технологии. – 2023. – № 8 – С. 154–158. DOI: 10.17513/snt.39747.
7. Разработка программно-методического обеспечения республиканской информационно-образовательной среды: отчет о научно-исследовательской работе (заключительный) / БГУ; научный руководитель Ю. И. Воротницкий [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://elib.bsu.by/handle/123456789/236401>. – Дата доступа: 18.02.2024.
8. Лозицкий В.Л., Ярошевич Л.А. Педагогика физической культуры и спорта. Электронный учебно-методический комплекс // E-Learning "Полесский государственный университет". Учебные курсы Moodle [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://moodle.polessu.by/course>. – Дата доступа: 18.02.2024.

*Universitetning pedagogika mutaxassisliklari talabalarining mustaqil faoliyatini tashkil etish tizimida «pedagogika» fanidan elektron o‘quv-uslubiy kompleksning didaktik roli*

**Rezyume.** Maqola Belarus Respublikasida respublika axborot-ta’lim muhitining ta’lim segmenti vositalarining imkoniyatlardan foydalanishni o‘rganishda didaktik yondashuvni tushunishga bag‘ishlangan. Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universitetining Polesie davlat universitetida tahsil olayotgan pedagogik mutaxassisliklar bo‘yicha mutaxassislar tayyorlash misolida talabalarning mustaqil faoliyatini samarali tashkil etish va ularni innovatsion didaktik vositalardan foydalangan holda tayyorlash asoslari ko‘rib chiqiladi.

**Kalit so‘zlar:** mustaqil ta’lim faoliyati, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron o‘quv-uslubiy majmuia.

*Дидактическая роль электронного учебно-методического комплекса по учебному предмету «педагогика» в системе организации самостоятельной деятельности студентов педагогических специальностей университета*

**Резюме.** Статья посвящена осмыслению дидактического подхода в изучении использования потенциала средств образовательного сегмента республиканской информационно-образовательной среды в Республике Беларусь. На примере подготовки специалистов педагогических специальностей – студентов Каракалпакского государственного университета имени Бердаха, обучающихся в Полесском государственном университете, рассматриваются основания эффективной организации самостоятельной деятельности студентов и их обучения с применением инновационных дидактических средств.

**Ключевые слова:** самостоятельная образовательная деятельность, информационно-коммуникационные технологии, электронный учебно-методический комплекс.

*The didactic role of the electronic educational and methodical complex on the educational subject "pedagogy" in the system of organizing independent activities of students of pedagogical specialties of the university*

**Summary.** The article is devoted to understanding the didactic approach in studying the use of the funds of the educational segment of the republican information and educational environment in the Republic of Belarus. On the example of training specialists of pedagogical specialties – students of Karakalpak State University named after Berdakh, studying at Polessky State University, the grounds for effective organization of independent activities of students and their training using innovative didactic means are considered.

**Key words:** independent educational activities, information and communication technologies, electronic educational and methodological complex.

## КОГНИТИВ ФУНКЦИЯЛАР БУЗИЛИШЛАРИДА ТИББИЙ ПСИХОДИАГНОСТИК УСУЛЛАРИНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАСИ

Мелибаева Р. Н.

*Toshkent tibbiyot akademiyasi Pedagogika*

Бугунги кунда дунё миқёсида нейропсихиатрия, психосоматик патология, умумий тиббий амалиётда инсон психологик холати билан боғлиқ бўлган соматопсихик характердаги ҳамда саратон касалликларига дучор бўлган беморларга муносабатнинг психологик сабаблари билан уларни даволаш ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги туфайли шу тоифадаги муаммоларда психодиагностикани қўллаш тизимини такомиллаштириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада диагностика, даволаш ва реабилитация технологияларини ривожлантириша тиббиёт билан психологияни янада интеграциялаштириш, беморларни даволашда тиббий психодиагностика асосида психокоррекцион, психопрофилактик тадбирларни қўллаш асосида инсон руҳиятини тиклаш орқали дарддан халос этиш, одатий ҳаётга қайташ масалаларини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий муассасаларида беморларнинг шахсига хос психологик хусусиятларига таяниб, жарроҳликда самарали реабилитацияга эришиш, беморнинг клиник-психологик холатлари диагностикаси орқали муолажа турларини оптималлаштириш усуllibарини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, шахсдаги когнитив ва шахслик бузилишларга сабаб бўлувчи омилларнинг психодиагностикасини амалга ошириш, касалликларнинг илк психологик белгиларини аниқлаш ва улар юзасидан тиббий-психологик кўрсатмалар ишлаб чиқиш, психосоматик ва онкологик касалликларнинг биосоциал омилларини илк аломатларини аниқлаш учун тиббий психодиагностика имкониятларини кучайтириша психологик диагностика усуllibаридан фойдаланиши тизимини йўлга кўйишига боғлиқ илмий-амалий тадқиқотларга алоҳида ётибор қаратиш зарурати долзарб аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда турли касаллик соҳа ва тизимлар учун тиббий психодиагностик усуllibарини самарали қўллаш асосида касалликка сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш орқали янгича, даволаш усуllibарини таклиф этиш, шахснинг психологик холатлари ва кечинмаларининг касалликни келиб чиқишига психологик таъсирини аниқлашни инобатга олган ҳолда психологик диагностикани амалга ошириш, тиббиёт ходимлари шахсининг профессионал фаолиятини такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи касбий-шахсий хусусиятлари бўйича тиббиёт ходими психологик қиёфаси моделини шакллантиришга ётибор қаратиш, касаллик турларига кўра

тиббий психодиагностикани ташкиллаштириш, беморларни даволашда тиббий психологик диагностика билан бир қаторда психокоррекцион ва психопрофилактик тадбирларини такомиллаштириш кабилар тиббий психологик диагностика муаммоларининг устувор йўналишлари сифатида дунёда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда когнитив функциялар бузилишларида касаллик турларига кўра тиббий психодиагностикани ташкиллаштириш даволаш жараёнининг самарадорлигига ижобий ёрдам беради. Тиббий психологик диагностикада когнитив функциялар диагностикасига дахлдор методикалар классификациясида А.Р.Лурияниң “10 та сўзни ёд олиш” тести мухимдир. Тадқиқотимизда мазкур методикаларни синовдан ўтказишда мавжуд тадқиқотларга таянишга ҳаракат қилинди.


“10 та сўзни ёд олиш” тести клиник ва психологик текширув жараёнда қўлланиладиган диагностика воситаларидан бири бўлиб, А.Р.Лурия бевосита ушбу тестни эсда олиб қолишини ўрганиш учун тавсия этган. Ушбу тест беморнинг чарчоқларини баҳолашга имкон беради. Синов учун улар одатда турли хил сўзлардан фойдаланадилар. Беморга ёдлаши учун сўзлар бир неча маротаба тақдим этилади. Натижада “ёдлаш эгри чизиги”нинг ифодасига кўра ёд олиш хусусиятларини аниқлаш имкони изоҳланади. Синов вактида кўшимча сўзларнинг пайдо бўлиши беморда бош мия органик касалликлари мавжудлигидан далолат беради. Агар бемор бир янги синов вактида камроқ сўзларни тақрорласа, дикқатда толиқиши мавжудлигига ишора ҳисобланади; агар “ёдлаш эгри чизиги” зигзаг шаклига эга бўлса, унда дикқат тез-тез ўзгариб туради, деган холосага келинади”[1]. Тест суд-психологиясида хотира бузилишларини ўрганиш учун тавсия этилади. Услубнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш - сўзларни кўпайтириш маҳсулдорлиги (ҳар бир тақрорлашда қайтариладиган сўзлар сони, бир хил сўзнинг тақрорланишининг мавжудлиги, натижалар) эътиборга олинади. Бунда ҳам ёд олиш эгри чизигига таянилади [2]. Тадқиқотда бош мия органик бузилиши, невроз, туғруқдан кейинги стресс, бош мия жароҳати, инсульт касаллиги билан оғриган беморлар устида амалга оширилди (1-жадвал).

Тажриба-синов натижаларининг дастлабки ҳолатида касаллик турлари ва синов сериялари бўйича кўрсаткичлар инобатга олинди.

*1-жадвал. Когнитив функцияларида бузилиши кузатилгаётган беморларнинг “10 та сўзни ёд олиш” методикаси бўйича кўрсаткичлари*

Касалликлар	Ёши	Синовлар					X	Балл
		1-серия	2-серия	3-серия	4-серия	5-серия		
Атеросклероз	51,36	4,11	3,66	3,77	3,66	2,77	3,55	2
Инсульт	43,12	3,85	4	4,71	3,85	3,28	3,94	2
Туғрикдан кейинги стресс	28,71	4,75	5,37	5	4,37	4,62	4,82	2
Бош мия жароҳати	37,47	4,5	4,33	4,83	4,5	3,5	4,32	2
Невроз	48,21	4,7	4,9	5,4	5	4,7	4,94	2

Синаувчиларнинг касаллик турлари бўйича кўрсаткичлари 1-серияда ва 5-серия сўзларини ёдда олиб қолиш тартиби бўйича бажаришларида қайсиdir маънода пасайиш кузатилди. Тадқиқотда олинган хусусиятларга кўра бевосита эсда олиб қолиши хусусияти ўзгариб бормоқда. Ушбу тоифа беморларда астениянинг генезиси психоген ва постинфекцияли омиллар таъсирида ҳам юз бериши мумкин. Уларнинг хотирадиги бузилиши одатда номувофик сўзларнинг ишлатилиши ва етишмовчилиги билан чекланади. Бу эса хотириа тикланишида сусайишга сабаб бўлади. Мия атеросклерози билан боғлиқ хотириа бузилиши прогрессив ўзгаришлари юз бериши сабабли эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш кийинчилик билан кечади. Етарли даражада эсда олиб қолиш сезиларли хотириа бузилишларидан олдин ҳам аниқланади. Шундай қилиб, 10-14 тақрорлашдан кейин 5 сўзни тақрорлаган бемор, 15-20 дақиқали танаффусдан сўнг, бу сўзларнинг фақат бир қисмини эсга тушира олиш даражасига эришмоқда. Аста-секин эсда олиб қолишнинг пасайиши билан бирга эсда сақлашда пасайиш юз беради. Эсда олиб қолишнинг бузилишлари оқибатида бош мия атеросклерози билан оғриганларда хотириа зарарланиши тафаккур бузилишлари даражасига ҳамоҳанг кечади. Мия атеросклерози беморларида “10 та сўзни ёд олиш” тести бўйича кўрсаткичлар “Эсда олиб қолиш эгри чизиги”да нотекис ва пасайиш билан кузатилади (1-расм).




*1-расм. Бош мияда қон айланишининг бузилиши кузатилган беморларини “10 та сўзни ёд олиш” тести бўйича кўрсаткичлари диаграммаси*

Ҳаттоқи ушбу тоифа беморлар бўйича россияда олиб борилган тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларда ҳам хотириа хусусиятларини ўрганишда А.Р.Лурияниң “10 та сўзни ёд олиш” тестиning етакчи ўринга эгалиги ифодаланган (С.Г. Жислин, Ю. Е. Рахальский, С.Г. Сукиасян) [3].

Бу ҳолатда инсульт билан оғриган беморларда ҳам 1-серия (3,85) билан 5-серияда (3,28) кўрсаткичларида ўзгариш кузатилмади. Инсульт оқибатида хотирианинг бузилиши кундалик кузатишларда ҳам кўп учрайди. Қон

айланишининг бузилиши туфайли миянинг бир қисми вазифасини бажара олмайди. Муаммонинг локаллашувига қараб, бузилишлар восита функциялари ва мувофиқлаштириш, кинестетик сезирлек, сезги органлари функциялари, дикқат ва хотираға тегишли бўлиши мумкин. Кўпинча бузилишлар бир соҳада эмас, балки бир вактнинг ўзида бир нечта функцияларга таъсир қиласди. Инсульт туфайли кўп ҳолатларда хотиранинг бузилиши қайд этилади. Бунинг сабаби шундаки, хотира аниқ локализацияга эга эмас. У миянинг бутун юзаси билан боғлик фаолият кўрсатиш хусусиятига эга. Тадқиқотимизда айнан инсульт оқибатида когнитив бузилишларнинг барчасига тўхташ эмас, балки диагностика воситаларининг татбиқига эътибор асосий эканлигини унумаслигимиз керак бўлади.


Юқоридаги беморлар сингари инсульт билан оғриган беморлар хотира хусусиятларини диагностикасида А.Р.Лурининг тестини татбиқи ҳам фойдали ва аҳамиятли экан, деган хulosани бера оламиз. Эмпирик кўрсаткичларда худди бошқа беморлар сингари уларда ҳам татбиқ этилган тест натижалари нотекис кўриниш олиши кузатилди (2-расм).



2-расм. Инсульт билан оғриган беморларнинг “10 та сўзни ёд олиши” тести бўйича кўрсаткичлари диаграммаси


Хотирадаги бузилишлар инсульт билан оғриган беморларда ҳам якуний серияда сўзларни эсда олиб қолиш прогрессиялашувга эмас, балки регрессиялашувга олиб келмоқда. Сўзиз инсульт билан оғриган беморлардаги хотира бузилиши тафаккурдаги бузилишларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, деган хulosани бера олиш мумкин.

Бош мия жароҳати кузатилган беморларнинг хотираси хусусиятида синов серияларида нотекис ўзгаришлар кузатилди. Бош мия жароҳати туфайли ҳосил бўладиган хотира бузилишлари нейротравмаларнинг хусусиятига кўра тафовутланишига боғлиқдир. Ўз навбатида ушбу тоифа беморларда ҳам эсда олиб қолиш нотекис кечиши мумкинлиги 3-расмда ифодаланган.



3-расм. Бош мияши шикастланган беморларнинг “10 та сўзни ёд олиши” тести бўйича кўрсаткичлари диаграммаси

Тадқиқотда иккя тоифа беморларнинг касаллик сабаблари кўпроқ социал муҳит ва шахс хусусиятлари билан бир қаторда психика хусусиятларига боғлиқлиги сабабли хотирадаги ўзгаришларни юқоридаги беморларнидан кескин фарқланиши аниқланди. Аммо ушбу тоифа беморлар хотирасига хос ҳолатни диагностикасида “10 та сўзни ёд олиши” тестидан фойдаланиш мумкинлиги эмпирик кўрсаткичларда ҳам кузатилди (4-расм).




4-расм. Тўғруқдан кейинги стрессни бошдан кечираётган беморларнинг “10 та сўзни ёд олиши” тести бўйича кўрсаткичлари диаграммаси

Тўғруқдан кейинги стресс онанинг психикасига ўзига хос таъсир кўрсатади. Бундай стресслар оналарда соматик ва психик функцияларни бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Соматик жабрланиш психик ўзгаришлар,

яйни ипохондрия, астения, уйқусизлик ва вазн йўқотишига олиб келади [4]. Ҳатто онадаги кечинмалар ва хотира хусусиятларидағи ўзгаришлар туғилган фарзанд ривожи учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Тугрукдан кейинги стрессни бошдан кечираётган оналарнинг болалари психомотор ривожланишда оркада қоладилар, хотира ва концентрация билан боғлиқ муаммоларни бошдан кечирадилар [5]. Юқори даражадаги дикқатнинг чалғиши [6], интеллектнинг пасайиши [7], келажакда улар таълим жараёнини ёмон ўзлаштиришлари [8] ва R.Galler Janina ва унинг издошлари фикрига кўра, улар ҳатто олий маълумот олишда ҳам кийинчиликларга дуч келишади [9]. Шу сабабли оналардаги туғриқдан кейинги когнитив функцияларидаги бузилишлар, хусусан, хотира диагностикаси тиббий психодиагностика тизимининг ўзига хос муаммолари сирасига киради. Тадқиқотда ушбу тоифа беморларнинг туғруқдан кейинги стрессни бошдан кечираётганда бевосита эсга олиш хусусиятлари меъёрда бўла олмаслиги кузатилди (4-расм). Уларнинг стресс таъсиридан халос этиш ҳисобига эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш, зарур бўлганда қайта эсга тушириш жараёнлари меъёрга мослашиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Невроз билан оғриган беморларнинг хотира диагностикасида “10 та сўзни ёд олиш” тести табиқи ҳам атеросклероз, бош мия қон – томир функциясининг бузилиши, бош мия жароҳати кузатилган беморларга нисбатан хотира хусусиятлари эмпирик кўрсаткичларда нисбатан устуворликни акс эттирса-да (жадвал ва 5-расм), аммо уларда ҳам хотира билан боғлиқ ўзига хос муаммолар мавжуд. Невроз билан оғриган беморлар хотирасининг энг характерли хусусиятларидан бири хотирани йўқотиш билан боғлиқ шикоятлардир. Невроз билан оғриган беморлар учун хотира вазифаларининг натижалари, уларнинг ютуқлари ва хатоларини олдиндан баҳолаб бўлмайди. Улар тез-тез оддий, элементар амаллар устида хатоларга йўл кўйишади ва аксинча оғирроқ топширикли серияларни тўғри бажаришади; улар кўпинча тўғри рақамга қараганда тескари тартибда қўп, баъзан эса қўпроқ рақамларни тақрорлашади. Баъзан уларнинг ўзларига нисбатан танқиднинг ҳаддан юқорилиги фаолиятни чекланишига олиб келиши шубҳасиздир.



5-расм. Невроз билан оғриган беморларнинг “10 та сўзни ёд олиш” тести бўйича кўрсаткичлари диаграммаси

Неврозли беморларнинг бир қатор сўзларни эсда олиб қолиш эгри чизиклари юқоридаги беморларнидан сезиларли даражада фарқ қиласи. Ўз навбатида уларнинг хотирави ҳам бекарор: бемор ўзи айтган сўзни “унутади”; кўпгина беморлар аксарият холларда хатони тузатмасдан бир хил сўзни бир неча маротаба тақрорлашлари кузатилди. Неврозни бошдан кечираётган беморлар томонидан сўзларни кўпайтиришнинг хусусиятларидан бири сифатида уларда “чет эффекти” нинг оғирлиги қайд этилган - тадқиқот давомида деярли барча беморлар серияни биринчи сўзларини кўпроқ эсга олишлари ва эсга туширишлари кузатилди (5-расм).

Когнитив функциялар бузилишлари диагностикаси борасидаги иккинчи йўналишдаги тадқиқотимиз асосида хотира диагностикаси борасида “10 та сўзни ёд олиш” тести билан биргаликда “Хотиранинг микдорий баҳолаш методикаси”, “Кексалик ёшидаги мнестик-интеллектуал соҳасини баҳолашнинг экспресс-методикаси”, “Рақамларни эсда олиб қолиш” тести, “Образли хотира” тести, Бентоннинг “Кўриш ретенцияси” тестлари устида ҳам худуди шу тартибда эмпирик тажрибалар ўтказиш мумкин ва уларнинг тиббий психологик диагностика мақсадларда фойдаланиш тизими воситалари таркибиға киритиш ўринли эканлигини айтиш мумкин.

Хотира жараёнларига хосликни баҳолаш методикаларининг якқол намунаси сифатида “10 та сўзни ёд олиш” тести стимул материалларининг соддалиги, синов ўтказиш вақт меъёрининг қулайлиги, индивидуал диагностика қўйиш имконияти, аниқ меъёрга эга методика ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР

- Клиническая психология: энциклопедический словарь / Под общ. ред. Н.Д. Твороговой. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Практическая медицина, 2016. С.551.
- Балабанова Л.М. Судебная патопсихология (вопросы определения нормы и отклонений). Донецк: Сталкер, 1998. С.403.
- Жислин С.Г.Психические нарушения при органических заболеваниях головного мозга. - М., 1998. С. 287-296.; Рахальский Ю.Е.Атеросклеротическая деменция // Вопросы клиники и лечения психических заболеваний. /Под ред. А.Г.Наку, Б.Д.Златана. - Минск, 2009. С. 20-27; Сукиасян С.Г.Сосудистое слабоумие: Клинико-психопатологические исследования (обзор) // Журнал неврологии и психиатрии. - 2010. - №7.-С.133-138.
- Goodman Janice H.Paternal postpartum depression, its relationship to maternal postpartum depression, and implications for family health // Journal of Advanced Nursing. 2004. Vol.45. №1. P. 26–35.

5. Новорожденные высокого риска / под ред. В.И.Кулакова, Ю.И.Барашнева. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2006. 528 с.; Fowles ER, Murphey C. Nutrition and mental health in early pregnancy: a pilot study. *J Midwifery Womens Health.* 2009 JanFeb; 54 (1): 73–7.; 1
6. Janet A.DiPietro. The Role of Prenatal Maternal Stress in Child Development // Current Directions in Psychological Science. 2004. Vol.13., №2. P.71 ;
7. Irene van Bokhoven, Walter Matthys, Stephanie van Goozen, Herman van Engeland. Prediction of treatment outcome in children with disruptive behaviour disorders: A study of neurobiological, neuropsychological and psychosocial factors; Prevention and treatment of conduct disorders // 16th World Congress of the International Association for Child and Adolescent Psychiatry and Allied Professions (IACAPAP) Berlin / Germany, 2004.; 21. Nissen E, Jonas K, Johansson LM, Ejdebeck M, Ransjö Arvidson AB, Uvnäs-Moberg K. Effects of intrapartum oxytocin administration and epidural analgesia on the concentration of plasma oxytocin and prolactin, in response to suckling during the second day postpartum. *Breastfeed Med.* 2009 Jun;4(2):71–82.
8. Fowles ER, Murphey C. Nutrition and mental health in early pregnancy: a pilot study. *J Midwifery Womens Health.* 2009 JanFeb; 54 (1): 73–7.
9. Galler Janina R.,Ramsey Frank C.,Harrison Robert H. et al. Postpartum maternal moods and infant size predict performance on a national high school entrance examination // *Journal of Child Psychology and Psychiatry,* Volume 45, Issue 6, Page 1064–1075, Sep 2004.

*Когнитив функциялар бузилишларида тиббий психодиагностик усулларини самарали құллаш тажрибаси*

**Rezume.** Ушбу макола когнитив функциялар бузилишларида касаллик турларига күра тиббий психодиагностиканы табдик этиш мұаммолосынан барып жүргізеді. Муаллиф бөш мия органик бузилиши, невроз, туғруқдан кейинги стресс, бөш мия жарохаты, инсульт касаллары билан оғриған беморларда эсда олиб қолиш жараёндидеги бузилишлар бүйічі таҳлилий мұлохазалар тақдим кылған.

**Tayanch so'zlar:** шахс, бемор, тиббиёт, диагностика, психодиагностика, тиббий психодиагностика, когнитив бузилишлар, методика, психологик тест.

*Опыт эффективного использования медицинских психодиагностических методов при нарушениях когнитивных функций.*

**Резюме.** Данная статья посвящена проблемам применения медицинской психодиагностики по типам заболеваний при нарушениях когнитивных функций. Автор предоставил аналитические комментарии по вопросам нарушений памяти у больных с органическими заболеваниями головного мозга, неврозами, послеродовым стрессом, черепно-мозговой травмой, инсультом.

**Ключевые слова:** человек, пациент, лекарство, диагностика, психодиагностика, медицинская психодиагностика, когнитивные расстройства, методика, психологический тест.

*Experience in the effective implementation of medical psychodiagnostic methods in cognitive impairment*

**Resume.** This article is devoted to the implementation problems of medical psychodiagnostics on type of disease in cognitive impairment cases. The author provided analytical comments on memory impairment in patients with organic brain disorders, neuroses, postpartum stress, brain injury, and stroke.

**Key words:** person, patient, medicine, diagnostics, psychodiagnostics, medical psychodiagnostics, cognitive disorders, methodology, psychological test.